



Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 13 декабрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Д.Козакнинг мамлакатимизга ташрифи давомида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлари орасида комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мазкур комиссия иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг жорий масалаларини ҳал этиши, шу билан бирга, ҳамкорлик учун янада қулай шароит яратишга қўмаклашиши лозимлигини таъкидлади.

Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил июнь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида ўтказилган музокара-ларда Ислон Каримов ва Владимир Путин ўзаро товар айирбошлашни тубдан диверсификация қилиш ва сармоявий ҳамкорликнинг йўналишларини кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканлигини таъкидладилар. Музокара-лар якунлари бўйича ҳамкорликнинг янги босқичдаги истиқболли йўналишлари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация қабул қилинди.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Икки мамлакат ўртасида товар айир-

бошлашнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Масалан, 2011 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 6,668 миллиард АҚШ долларини, жорий йил январь-сентябрь ойларида 5,580 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистон ва Россия сармоявий ҳамкорлигини изчил ривожлантирмоқда. Бугун Ўзбекистонда Россия капитал-иштирокида ташкил этилган 858 корхона фаолият кўрсатмоқда, Россиянинг 106 фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Нефть-газ соҳаси иқтисодий ҳамкорлигининг муҳим ва кенг қўламли йўналишларидан биридир. Жумладан, «Лукойл» ва «Газпром» компаниялари томонидан Ўзбекистон ҳудудида углеводород конларини казиш бўйича қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Оқсаройда ўтган музокара-лар чоғида томонлар иқтисодий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Д.Козак давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Россия савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий соҳаларда Ўзбекистон билан муносабатларни изчил чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Ў.А.



Ободлик юксак маънавий муҳитдан бошланади

Муносабат

Яқунланаётган ҳар бир йил ҳаётимизнинг бетакрор саҳифаси сифатида истиқлолимиз тарихидан жой олади. Ҳар бир йил жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида ўзига хос маъно ва мазмунга эга из қолдиради. Шу жиҳатдан қараганда, «Мустақкам оила йили» ҳам амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқларни сарҳисоб қилганда, аввалги йиллардан асло кам бўлмади.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар юз берди. Мамлакат иқтисодиёти режалаштирилган сурутлардан ҳам юқори ривожланишда давом этди. Нуфузли халқаро ташкилотлар, банк ва молия муассасалари Ўзбекистон аҳолисининг даромадлари мутасил ошиб бораётганини расман эътироф этишмоқда. Осиё тараққиёт банки маълумотларига кўра, бу кўрсаткич кейинги уч йил ичида уч баробар кўпайган. Мамлакатимиз аҳолиси кейинги йигирма йил ичида қарийб 9 миллион кишига кўпайиб, бугунги кунда 30 мил-

лионга яқинлашиб қолди. Шу вақт ичида ялпи ички маҳсулот жон бошига 2,5 баробар ошди. Мухтарам Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтирилган ушбу ва бошқа кўплаб рақам ва маълумотлар кўнгилда ёруғ туйғулар уйғотилади. Дарҳақиқат, мамлакатимизда, шу азиз юрт фуқаролари сифатида ҳар биримизнинг шахсий ҳаётимизда, оиламизда, маҳалламизда, меҳнат жамоамизда ёки илмий-ижодий фаолиятимизда

юз берган ўзгаришлардан қувонмаслик, ғурурланмаслик мумкин эмас. Мустақилликка эришилгандан кейин эришаётган ютуқларимиз ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида Ўзбекистон танлаган миллий тараққиёт йўлининг нақадар тўғри ва халқчил эканини исботлаш билан бирга, мамлакатимиз, халқимиз бу йўлдан асло оғишмай, ўзининг буюк келажаги сари дадил қадам ташлаётганини аққол кўрсатиб турибди.

Давоми 2-бетда ➤

Депутат ва сайловчи учрашуви:

юзма-юз, ошкора, амалий, самарали

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг шу кунларда ўз сайлов округларидаги сайловчилар билан учрашувларида асосий эътибор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида қабул қилинган қонунлар ва уларнинг моҳияти, Юртбошимиз томонидан эълон қилинган «Обод турмуш йили»да амалга оширилиши белгиланган бунёдкорлик ишлари, партия дастурий ғоялари асосида фракция аъзоларининг муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ва электорат манфаатларига мос қонунларни тайёрлашдаги иштироки каби масалаларга асосий эътибор қаратилди.

Давоми 4-бетда ➤

«ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун обуна давом этмоқда! Вақтида обуна бўлишни унутманг, ана шунда газетани излаб овра бўлиб юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга ёки уйингизга кириб келади!



«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!

Нашр кўрсаткичи 100

Халқимизга хос фазилатлар

Жонажон Ўзбекистонимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб оҳолининг даромадлари даражаси ва фаровонлигини изчиллик ҳамда собитқадамлик билан оширишга, унинг эҳтиёжманд қатламлари, хусусан пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, эртанги кунини ўйлайдиган, келажаги хусусида қайғурадиган, инсон манфаатларини олий қадриятга кўтарган ҳар бир мамлакат ўз фуқароларининг фаровон турмуши ва саломатлигини муҳофаза-лашга алоҳида эътибор қаратади. Шу нуқтаи назардан Юртбошимизнинг Конституциянинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимиз тараққиётида рўй берган улкан ўзгариш ва янгиланишлар, қўлга киритилган ютуқ ва марралар, 2013 йилда аҳолини ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасида билдирган фикрлари эртанги кунга бўлган ишончимизни янада ошириши шубҳасиз.

Айниқса, дунёдаги энг нуфузли молиявий ташкилотлар томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг давом этиши ва салбий таъсир ўтказишга қарама-дан, Ўзбекистон санокли давлатлар қаторида 2013 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг 8,3 фоиздан кам бўлмаслигига эришиши хусусида билдирган ишонч ҳар биримизга фахр-ифтихор туйғуларини бағишлаётган бўлса, халқаро майдонда юртимиз обрўсининг янада юксалишига ҳам хизмат қилапти. «Мустақкам оила йили» деб ном берилган 2012 йилда Давлат бюджетининг деярли 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилиши, унинг аксарият қисми соғ-

лиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилгани, кейинги уч йилда аҳолининг реал даромадлари уч баробар ошгани, давлат дастури ижроси учун 2 триллион сўмдан ортиқ ва 100 миллион АҚШ долларини микродоридаги маблағ халқ фаровонлигини янада юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қулай шароитлар яратишга йўналтирилгани ижтимоий ҳимоя масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказида эканлигининг исботидир.

Эътибор беринг, Ўзбекистонимизда 1997 йилдан бошлаб ҳар бир йил муайян ижтимоий масалани ҳал этиш мақсадида маълум йўналишга бағишланмоқда. Ижтимоий ҳимоянинг қонунчилик базаси ва механизмлари мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига йўланаётган давлат бюджети харажатлари ҳажми йил сайин кўпайиб бормоқда.

Давоми 3-бетда ➤

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини диққат билан ўқирканман, беихтиёр Аваз Ўтарнинг машҳур ғазали ёдимга тушди:

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,
Тил воситаи робитаи оламиёндур.

Ҳайри тилини саёй қилинг билгали, ёшлар,
Ким илми хунарлар ривожин андин аёндур...

Гўё оташнафас шоирнинг қалб тўридан чиққан бу ўтли сатрлар шу бугун ёзилгандай.

Аваз Ўтар сингари минглаб-миллионлаб ватандошларимиз орзу қилган замонлар келди.

“Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек...”

Дарҳақиқат, тил билган — дил билади, эл билади; тил билган — ўша элнинг қалбини, руҳиятини ҳис этади. Тил — миллатлар, халқлар ўртасидаги энг мустақкам кўприк. Ва ниҳоят, тил — дунё саҳнасида чиқмоқликнинг энг ишончли воситасидир.

Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз, мустақиллик йиллари юртимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида чет тилларга ўқитишнинг ўзига хос тизими яратилди. Бугун ҳатто олис кишлоқлардаги ўғил-қизларимиз ҳам инглиз, француз ёки немис тилларида бемалол

гаплаша олишлари ҳеч кимни ажаблантирмайди. Ё бўлмаса узоқ тумандаги чекка кишлоқда чет тилига ихтисослаштирилган бутун бошли мактаб фаолият юритаётганини ҳам табиий ҳол сифатида қабул қиламиз. Адабиётларни хориж тилларидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан чет тилларга ўғираётган заҳматқаш таржумонлар сафининг асосий қисмини, тўғрироғи, деярли ҳаммасини истиқлол даврида етишиб чиққан ёш таржумонлар ташкил этиши ҳам айна ҳақиқат.

Давоми 2-бетда ➤

Муносабат

Ободлик юксак
маънавий муҳитдан
бошланади

Давоми. Боши 1-бетда

Кўп нарса қийёсий таҳлилда ойдинлашади. Собик тузум шароитида Ўзбекистон, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, ўз салоҳияти ва аҳолисининг турмуш тарзи жиҳатидан энг қолоқ республикалардан бири эди. Тилимиз, динимиз, миллий ва диний қадриятларимиз таҳқир остида, ўтмиш тарихимизга, буюк аждодларимиздан қолган илмий ва маънавий меросга нописандлик билан қараларди. Ерости ва ерусти бойликлари етарли, халқи меҳнаткаш юртнинг бундай ночор аҳоли билан ҳеч қимнинг иши бўлмас, ҳамма нарса ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Бугунги Ўзбекистон демократик аниқланиш ва тараққиёт йўлида ўзининг буюк келажаги сари дадил одимлаётган, куч-қудрати, иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, бу улуг нуфузга янада нуфуз қўшаётган, халқининг фаровон ва тинч-тотув ҳаётини таъминлашга, фарзандларини миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга, замонавий илм-фан ютуқларидан баҳраманд этишга қодир, истиқболли янги баркамол авлоднинг маънавий-ахлоқий қамолотида, жамият ҳаётидаги фаоллиги ва ташаббускорлигида, юксак фуқаролик позициясида кўраётган давлатлардан биридир.

Маърузада айтиб ўтилганидек, ўтган йиллар мамлакатимиз учун энгил кечмади. Жуда огир синовларга, қўтилмаган муаммоларга дуч келдик, уларни халқимизнинг ақл-заковати, сабр-бардоши, катта ҳаётий тажрибаси ва истиқлол юғларига садоқати билан энгил ўтдик. Мамлакатимиз иқтисодий йилдан-йилга мустаҳкамланиб борди. Кейинги беш йил ичида юртимизда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг маънавий-маърифий қиёфаси тубдан ўзгарди. Пойтахтимиз Тошкент дунёнинг гўзал замонавий шаҳарларидан бирига, илм-фан, таълим-тарбия, халқаро ижтимоий-сиёсий алоқалар, маданият ва санъат марказига, спорт беллашувлари майдонига айланди. Буларнинг ҳаммаси, ҳеч шубҳасиз, ислохотларнинг узқони кўзлаб, халқ манфаатларини ўйлаб, пишиқ-пухта амалга оширилаётгани, эл-юртда тинчлик-тотувлик ҳўм сураётгани, келгуси авлодларга Озод ва Обод Ватан қолдириш истаги одамлар қалбидан тобора чуқур ва мустаҳкам жой олаётгани натижаси десак, янглишмаган бўламиз. Истиқлолимизнинг дастлаб-

ки йилларида мамлакат олдида мустақилликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, одамлар онг-шуурига янги жамиятнинг янги ғояларини сингдириш, халқнинг қадр-қимматини кўтариш, ор-номусини жой-жойига қўйиш, яқин ва олис тарихимизни собик тузум мафкураси таъсиридан тозалашдек муҳим вазифа турар эди. Шу мақсадда қисқа вақт ичида миллий тараққиётнинг Ўзбекистонга, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетига хос ва мос модели, миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари, жамият ҳаётининг олис келажакка мўлжалланган бош мақсад-режаси ишлаб чиқилди. Ўтган йиллар давомида ўзини тўла оқлаган, огир синовлардан ўтган ва дунё микёсида тан олинган бу модел, аввало, мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантиришнинг янги принциплари, халқимизнинг куч-қудрати ва интеллектуал салоҳиятига асосланган. Бу тамойилларнинг моҳияти ўтиш даврида давлат ўз зиммасига бош ислохотчи деган масъулиятни олиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий ҳимоя ва ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби ўта мураккаб вазифалардан иборат эди. Ўзбекистон ўта мураккаб, ҳал қилувчи шароитда ўз кучи ва имкониятига таяниб иш кўрди. Давлатимиз раҳбарининг "Биз борини асраш ва йўғини яратиш йўлидан бора-миз" деган шиори, маълум шартлар ҳисобида бошқалардан қарз кўтармаслик принципи, сохта обрў қозониш учун энгил-елли қарорлар қабул қилмаслик, ҳар бир ишни ба-маслаҳат амалга ошириш фаолиятимизнинг бош йўналишини ташкил этди.

Истиқлол йилларида жамиятимизда амалга оширилган ишларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга, маъно-мазмунга эга. Қисқа вақт ичида янги демократик тизимнинг шаклланиши, яъни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг ўзаро муносабатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилиши, бу муносабатлар орасидаги мутаносибликнинг таъминлиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда кўппартиявийликнинг юзгага келиши, сиёсий партиялар фаолиятининг йўлга қўйилиши, улар орасидаги соғлом рақобат ўқитилиши, мамлакат Конституциясида янги тизимга кенг имконият ва ваколатлар бериб қўйилиши, чиндан ҳам, тарихий аҳамиятга эга. Яна бир муҳим ютуқ — мамлакатимизда мулк ва мулкдорларга нисбатан муносабатнинг тамомилла ўзгариши, жамиятда янги синф вакилларининг

пайдо бўлиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун йўли билан ҳимоя қилинишида ўз аксини топди. Собик тузум шароитида хусусий мулк тўғрисида, ҳалол пешона тери, узок йиллик машаққатли меҳнати, изланишлари ҳисобида маълум мулк ёки бойликка эга бўлиш ҳақида ўйлашнинг ҳам иложи йўқ эди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик расман тақиқлаб қўйилган, бунинг учун жазо муқаррар эди. Бугун салоҳиятли ишбилармон ва тадбиркорлар мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим нуқталарида ғоят масъулиятли вазифаларни ўз зиммаларига олиб, ҳаётимизнинг янада фаровон, турмушимизнинг сермазмун бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида, огир синовлар пайтида тўпланган тажрибаси, миллий тараққиётнинг "ўзбек модели" дунё ҳамжамиятининг эътибор ва эътирофига сазовор бўлди, эндиликда бу тажрибани ўрганишга қизиқиш кучайди. Истиқлолимизнинг дастлабки қадамларида бизнинг халқимиз учун муносиб ҳаёт тарзи яратиш, ҳеч қандам кам бўлмай яшаш, келгуси авлодларга эзгу амаллар, озод ва обод Ватан қолдиришдек эзгу ниятларимизга беписандлик билан қараганлар бугун мустақил Ватанимизнинг қатъий ва шахдам қадамларини кўриб, ҳавас қилмоқдалар.

Бунинг боиси, мамлакатимизнинг янги бошқарув тизимида жамиятнинг оила ва маҳалла каби ўзига хос институтларига эътибор кучайди. Инсон — жамият — давлат муносабатларида мамлакатимизда яшаб-умиргузаронлик қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг манфаатлари, тенг ҳуқуқ эътироф этилди. Она ва бола саломатлигини асраш, хотин-қизларнинг ижтимоий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун имконият ва имтиёзлар бериш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш ва ниҳоят, ушбу яқунланаётган 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши халқимиз танлаган улуг йўлнинг эзгу маъно-моҳиятини очиб берди. Давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, жорий йилга бундай ном беришдан кўзланган мақсад — ҳаёт абадиликни, ҳар қайси инсоннинг бахту саодати, келажаги, орзу-умидларини муҳасам этакдиган оилани янада мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш, бу борада олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш эди ва шундай бўлди ҳам. Оиланинг мустаҳкамлиги, болалар тарбиясининг тўғри-йўлга қўйилиши, соғлом турмуш тарзи, таълим



ва тарбиянинг ўзаро уйғунлиги жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ тарзда амалга оширилди.

Жамият ривожлангани сари, одамларнинг турмуш тарзи, орзу-ҳаваслари ўзгариб боради. Бинобарин, халқимизнинг янада фаровон ҳаётини таъминлаш, орзу-умидларининг тўла рўёбга чиқиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш бундан буюн ҳам давлатимизнинг диққат-эътиборида бўлади. Шу маънода Президентимизнинг тақлифига биноан, кириб келаётган янги 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном берилишида жуда катта маъно бор. Инсон бу ёруғ оламда тўқ-фаровон яшашни, уйи тинч, болалари соғлом ўсишини, экин экса ҳосили мўл бўлишини, тинчлигига ҳеч қим раҳна солмастлигини ният қилади. Истиқлол халқимизнинг бундай ёруғ орзу-умидларига қанот бахш этди. Бугунги кунда, давлатимиз раҳбари айтганларидек ҳеч қимдан кам бўлмай, меҳнатларимиз самарасидан баҳраманд бўлиб, турмуш тарзи-

Давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, жорий йилга бундай ном беришдан кўзланган мақсад — ҳаёт абадиликни, ҳар қайси инсоннинг бахту саодати, келажаги, орзу-умидларини муҳасам этакдиган оилани янада мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш, бу борада олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш эди ва шундай бўлди ҳам.

мизни яхшилаб, фарзандларимизни тарбиялаб, бир-биримиз билан аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаётганимиз, эртанги кунимиз янада фаровон, юртимиз, маҳалламиз янада обод бўлишига ишончимизнинг қимлиги бизнинг энг катта ютуғимиз, бахтимиз десак, хато бўлмайди. Бу ютуқни мустаҳкамлаш, янги баркамол авлодни тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, эл-юрт бойлигига бойлик қўйиш — ҳаммамизнинг янги 2013 йилдаги масъулиятли, айна чоғда шарафли вазифамиздир.

Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлари доктори

Фазилатлар
сарчашмаси

Давлат муҳофазасидаги оилага мунтазам ғамхўрлик қилиш, ҳар тарафлама моддий-маънавий кўмак бериш инсонпарвар демократик жамиятнинг бош вазифаларидандир. Шу сабабли «Ислохот ислохот учун эмас, балки инсон учун» шиори остидаги қатор чора-тадбирлар бевосита оила мустаҳкамлигига қаратилганлигини кўришимиз мумкин.

1998 йилнинг «Оила йили» ва 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган ҳам оилага бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Жорий йил давлат

бағишланган маросимдаги "Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир" номи маърузасида кириб келаётган 2013 йилни "Обод турмуш йили" деб эълон қилиш билан бу борада бошланган ишларни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришни асосий мақсад сифатида белгиб берди. Айни пайтда қабул қилинадиган Давлат дастурида муҳим устувор йўналишлар сифатида ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлиш опа-сингилларимизнинг огирини энгил қилиш турмушимизни обод этиш алоҳида таъкидланди.

Тантанили маросимда Юртбошимиз обод сўзининг маъносига тўхталиб: "Шуни таъкидлаш кераки, обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. Юрт қачон обод ва тинч бўлади? Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада

яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун қурашаётган бу мақсадга эришиш мумкин" дея билдирган фикрлари айна халқимиз кўнглидаги гап бўлди.

Азал-азалдан оиланинг мустаҳкамлигида, фарзандлар тарбиясида хотин-қизларимизнинг донишмандлиги, оқилалиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Бу жараёнга асосан, хотин-қизлар меҳнат қиладиган бизнинг муассаса ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, оила аталмиш муқаддас қўғонни барпо этиш истагида бўлган ҳар бир ёш билан алоҳида суҳбатлашиб, уларга нақадар масъулиятли қадам ташлаётганликлари ҳар томонлама тушунтирилмоқда. Қолаверса, жамиятимизнинг маънавиятини ривожлантириш, миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъовузларга қарши кураша оладиган имунитетга эга оилалар сафини кенгайтиришга қаратилган тадбирлар, ижодий кечалар, таърибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Обод турмуш мустаҳкам оилалардан бошланади. Оилаларимизда фаровонлик, тўқинчилик, қут-баракат, аҳиллик, меҳр-оқибат ҳўм сураб экан, турмушимиз тинч ва обод бўлиши муқаррар. Зеро, келаётган 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб аталиши замирида ҳам инсон, оила манфаати ётади.

Азиза МУСТАФАЕВА,
Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ФХД бўлими 2-тоифали инспектори

“Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек...”

Давоми. Боши 1-бетда

Аммо тараққиёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Эришилган ютуқларни эътироф этган ҳолда, замон янги-янги муҳофазатларни, янги-янги муносабатларни талаб қилаётганини ҳам тан олишимиз лозим. Зеро, интеллектуал бойлик ҳўмрон бўлган йигирма биринчи асрда таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуқсиз ўрганишни ташкил этиш, бу жараёнда дунё ахборот ресурсларидан ва медиа-технологиялардан кенг қўламда фойдаланишни мутаносиб ҳолда ташкил этиш, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ҳамда имкониятларни яратиш жоиз. Мазкур Қарор айнан мана шу эҳтиёжни ҳисобга олганлиги билан ҳам қимматлидир.

Қарорга кўра, келгуси ўқув йилидан бошлаб чет тилларни ўргатиш умумтаълим мак-

табларининг биринчи синфларидан бошланади, олиқ ўқув йилларида эса айрим махсус фанлар, хусусан, техника ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитилиш чет тилларда

олиб борилади. Шунингдек, 2015-2016 ўқув йилларидан бошлаб барча олиқ таълим муассасаларига кириш тестлари блокига хорижий тилни киритиш бўйича Вазирлар Ма-

камасига тақлифлар киритиш алоҳида белгилаб қўйилган. Айни пайтда Қарорда чет тиллар ўқитувчилари ва муаллимларини моддий рағбатлантириш масаласи ҳам қамраб

олинган, яъни қишлоқ жойларда жойлашган таълим муассасаларида ўқитишнинг тариф ставкаларига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз ставкалик миқдориди ҳар ойдаги қўшимча қўшиб берилади. Масалага бундай ёндашув эса Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурида белгиланган фаолиятнинг устувор йўналишларига ҳамоханлиги билан бизни мамнун этди. Зеро, дастурида партиянинг таълим соҳасидаги энг устувор вазифаларидан бири сифатида "Таълим сифатини ошириш бўйича қўшимча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш" белгиланган. Шунингдек, "Адолат" СДП "Давлат олиқ таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдори". Ўз ўзини аёни, бундай мақсадларга эришишда ёшларнинг тил билиш даражаси, саводхонлиги катта аҳамият касб этади.

Қарорнинг яна бир бандида белгиланган вазифалар алоҳида эътиборга молик: "Телевидение, шу жумладан, маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп, хорижий бадиий ҳамда мультимедиявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш". Чиндан ҳам, телевидениенинг катта имкониятларидан болаларни, ёшларни хориж тилларига ўргатишда фойдаланиш тез орада қўтилган ижобий самарани беради деб ўйлайман.

Ҳаммамиз жуда яхши билладиган бир қонуният бор: киши ўз тилини чуқур билиш орқалигина ўзга тилларни чуқур ўрганади. Масалага мана шу нуқтаи назардан

қарасак, мазкур Қарор она тилимизнинг янада тараққий этишига, ривожланишига, бойишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Яна бир бор Аваз Ўтарнинг ўлмас мисраларини эслайлик: *Лозим сизга ҳар тилни билув она тилидек, Билмакка ани ғайрат этинг, фойдали кондур.* Тан олайлик, "ғайрат этмак" учун, "қони фойда" билимга етмак учун юртимизда ёшларга ҳам, катталарга ҳам яна бир бор барча зарур шарт-шароит муҳайё этиб қўйилмоқда. Бундай ҳавас қиларлик имкониятлардан эса албатта фойдаланиш зарур. Акс ҳолда, шоир Аваз Ўтар каби "бағри тўла қон" бўлиб ўтмоқ эҳтимолдан холи эмас:

Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек, Тил билмаганидани ани бағри тўла қондур...

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ



Халқимизга хос фазилатлар

Давом. Боши 1-бетда

Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳадаги давлат харажатлари 5 баробар ортгани, ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш каби соҳаларга йўналтирилиши, она ва болаларнинг ўлим ҳолатлари 3 баробар камайгани, кишиларнинг ўртача умри 7 йилга ошгани, аёллар орасида — 75 ёшни, эркеклар орасида — 73 ёшни ташкил этаётгани биз танлаган йўл — “ўзбек модели”нинг нақадар тўғрилигининг исботи эмасми?

Кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш нафақат демократик ислохотларни чуқурлаштиришни, иқтисодиётни эркинлаштиришни, балки ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни ҳам тақозо этади. Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантиришнинг негизда эса аҳолини иш билан таъминлаш, унинг моддий фаровонлигини юксалтириш вазифаси ётади. Бунинг исботи ўларок, 2012 йилда иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаси учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб бериш ҳисобидан ният қўлаб тараққий этган мамлакатлар даражасидаги кўрсаткичга эришилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигининг ялпи ички маҳсулотлардаги улуши бугунги кунга келиб 54 фоизга етди!

Узоқ муддатли келажадаги фараиятимизнинг, мустақил тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи дастурамала бўлиб хизмат қилаётган Концепция асосида парламент томонидан 12

та қонун маъқулланган бўлса, мазкур қонунларни тайёрлашда Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзолари ҳам ўз тақлифлари билан фаол иштирок этдилар. Амалга татбиқ этилган қонунлар ҳамда Президентимиз фармон ва қарорлари мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш ва бунинг учун зарур ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда юртимизда инвестицион муҳит жозибадорлигини ва қўлайлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Узоқ ва яқин атрофдаги давлатлардан фарқи ўларок, Юртбошимизнинг шаҳар ва қишлоқларга алоҳида эътибор билан қараётгани, қишлоққа саноат корхоналарини олиб кириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш асосида қўшимча иш ўринлари яратишга қаратилган эътибор ўз медаларини бермоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йилда имзоланган “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор ҳам қишлоқларимиз замонавий қиёфасининг тубдан ўзгаришига, аҳоли оғирини енгил-

лаштиришга қаратилган муҳим амалий қадамлардан бири бўлди. 2012 йилнинг ўзига 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилгани ҳолда, келгуси “Обод турмуш йили”да яна шунча квартира қурилиши белгилангани қишлоқ аҳолисининг, энг муҳими, деҳқоннинг қад ростлаб олишига имкон берди.

Бу эса ўзбек моделининг асосий тамойиллари — иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислохотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принципларини ўз ичига олган, Президентимиз маърузасида фахр билан “машхур” деб атаган ўзбек модели дунё тараққиётида муҳим воқеага айланиб бораётганини исботлаб турибди.

Кириб келаётган 2013 йил “Обод турмуш йили” деб эълон қилинар экан, ўз навбатида қабул қилинадиган Давлат дастурида халқ саломатлигини ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли



Собир ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси раҳбари

пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар ўрин олиши кераклиги таъкидланди. Бу вазифалар ижроси бизнинг Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзолари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Чунки белгиланган вазифалар бизнинг партияимиз дастурий ғояларига ҳам ҳам-оҳанг. Демак, юқори малакали мутахассис ва ишчилар, илмфан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолатдан манфаатдор бўлган қатламга таянадиган куч сифатида сиёсий майдонга чиққан “Адолат” СДП фаоллари ва фракцияимиз аъзолари улар эркинликлари ва ҳуқуқларини янада яхшилашга оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ ва реал тақлиф ҳамда ташаббусларни илгари суришларига ишонаман.

Бир сўз билан айтганда, кириб келаётган янги йилга “Обод турмуш йили” деб ном берилиши истиклол йилларида узокни кўзлаб олиб борилаётган сиёсатнинг бош мақсади бўлиши инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётий-мизининг янада обод ва фаровон, эртанги кунимизнинг бунданда ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ниятлар пок, интилишлар соғлом

Мамлакатимиз Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши шубҳасиз, барчамизни бирдек қувонтирди, халқимизнинг эртанги порлоқ келажакка бўлган ишончини яна бир қарра мустаҳкамлади. Ўзбекистон “Адолат” СДП фаоллари ифтихор билан таъкидлайдики, келгуси йилда ҳам мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этади.

2012 йил “Мустаҳкам оила” йили Давлат дастури асосида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилганининг ва бу жараён ҳозирда ҳам изчил давом эттирилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Айтиш керакки, янги йил алоҳида ном билан номланиши, шу муносабат билан маҳсус Давлат дастури ишлаб чиқиши ва унинг амалга оширилиши замирида инсон манфаатлари, фаровон турмушини таъминлаш, Ўзбекистоннинг энг ривожланган давлатлар қаторидан тезроқ муносиб ўрин эгаллаши ётади. Мухтасар айтганда, йилга ном бериш негизда, аввал-лабор, ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг орзу-интилишларидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилишдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

Истиклолнинг дастлабки йилларида тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос йўли — “ўзбек модели” асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адо-

латли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жиҳатлашган жамиятни шакллантириш борасида асрларга таътигулик ишлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Келаётган йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши эса ана шу йўналишда бошланган ишларимизни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришга қаратилган билан ҳам аҳамиятлидир.

Президентимиз обод сўзининг маъносига тариф берар экан, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркэм ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, фойз-баҳра ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилишимизни таъкидладилар.

Шу муносабат билан қабул қилинадиган Давлат дастурида, аввало Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳам-жиҳатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифалик бўлиб қолиши даркорлиги акс этиши лозимлигини айтдилар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, “Бирдамлик” — социал-демократия ширларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз азалдан ўзининг миллий, маданий ва диний аънавларига эга қўллаб халқлар ёнма-ён яшаб келаётган



Умид ЖУМАНИЕЗОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

минтақадир. Дастуриимизда белгиланганидек, мақсадиимиз, уларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантиришдан иборат. Шу муносабат билан биз бағрикенглик асосида қарор тогган миллатлараро ва динлараро муносабатларни бундан кейин ҳам асраб-авайлаш, уларнинг уйғун равишда ривожланишига қўмаклашиш ниятидаимиз.

Қолаверса, партияимиз дастури Давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган мамлакатимиз ривожланишининг асосий тамойилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унга таянган ҳолда фаолият юритиб келмоқда.

Партияимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган “Ислохот ислохот учун эмас, аввал-лабор инсон учун” тамойилига риоя қилган ҳолда, бу каби кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлайди ва давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади.

Мамлакатимизни жадал ва барқарор ривожлантириш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, халқро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашга ўз муносиб ҳиссасини қўйишга интилиб келаётган Ўзбекистон “Адолат” СДП келгуси йилдаги асосий эътиборини Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалар доирасида 2013 йилда “Обод турмуш йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишга қаратади.

Бунёдкор халқимиз юрт тараққиётига, эл фаровонлигига дахлдор ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлайди. Бундан бир йил олдин Мустаҳкам оила йилини жуда кўтаринки руҳ, хуш кайфият билан қарши олган эдик. Бугун эса, 2013 йил — Обод турмуш йили оstonосида турибмиз.

Эзгу мақсадлар тантанаси

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари тақлифи билан, мана, 16 йилдирки, ҳар бир йилнинг алоҳида номланиши, шу асосда Давлат дастурининг қабул қилиниши юртдошларимизни эзгу мақсадлар, юксак марралар сари илҳомлантириб келмоқда.

Юртбошимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, ўтаётган йил биз ҳам учун омадли келди. Буни эришилаётган ютуқларимиз тасдиқлаб турибди. 2012 йилнинг 9 ойида мамлакатимизда ишлаб чиқариш соҳасида ўзлаштирилган янги маҳсулотлар тури 957 тага етди, республикамиздаги йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннарихи 10,7 фоизга пайсаятирилди, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга ўсди. Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш дастури доирасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, замонавий корхоналарни барпо этиш бўйича юзлаб лойиҳалар амалга оширилиши натижасида соҳада ана шундай жадал ўсиш суръати таъминланди.

Бир нарсаси аниқки, истиклол йилларида мамлакатимизда суверен давлат ва адолатли жамиятни шакллантириш, инсон ҳуқуқлари, фуқаролар тинчлиги ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш, миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда Асосий Қону-



Ойша ОХУНОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

нимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ўз навбатида, маърузадаги устувор йўналишлар ижроси фракцияимиз аъзолари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Чунки унда 2013 йилда Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга асос бўладиган бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, қонунчилик асосини янада мустаҳкамлаш, белгиланган чора-тадбирларнинг иқро ҳокимияти томонидан марказда ва жойларда бажарилиши устидан самарали парламент назоратини йўлга қўйиш муҳимдир. Буларнинг барчаси келгуси йилда юртимиз тараққиётини янада юқори босқичга олиб чиқади, албатта.

Мухтасар айтганда, 2013 йил нафақат номи билан, балки мазмун-моҳияти билан ҳам мамлакатимиз учун ободлигу фаровонлигининг янги ўфқларини очадиган йил бўлиши, шубҳасиз.

Ижтимоий ҳимоя — асосий омил

2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши барча юртдошларимиз қатори бизнинг партияимиз аъзоларини ҳам мамнун этди. Зеро, Юртбошимиз маърузасида йил Дастурини тайёрлашда аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборда бўлиши кераклигини таъкидладилар.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси дастурида ҳам партия аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтиришга қаратилган давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаши билдирилган. Тан олиш керак, мустақиллик йилларида марказлашган режавий хўжалик тартибларидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Бинобарин, мамлакатда ўтказилаётган барча ислохотларнинг асл мақсади ҳам инсонга муносиб турмуш шартини яратиб бериш, унинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришдан иборат эканлигини таъкидлашга ҳоҳат бўлмас керак.

Агар бугун шиддат билан ўтиб бораётган даврнинг сўнгги 21 йиллини сарҳисоб қилсак, катта миқдордаги маблаглар юртдошларимиз турмуш тарзини яхшилашга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногирон ва боқувчисини йўқотган кексаларимизга сарфланганига гувоҳ бўламиз. Йилларга ном берилиши, хусусан, “Инсон

манфаатлари йили”, “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Қарияларни қадрлаш йили”... дея эълон қилинганини яна бир қарра кўз олдимизга келтирсак, ҳар бир йил замирида ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ масаласи ётганлигини илға олиш қийин эмас. Дунёда ягона Ўзбекистоннинг Давлат бюджетига махсус “Ижтимоий ҳимоя” банди белгиланган. Бюджетда кўзда тутилган харажатлардан ташқари, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсияонер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинмоқда.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, халқро майдонда ҳалигача синчиклаб ўрганилаётган машхур беш тамойилнинг муҳим бири йўналиши аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш эканлиги ҳам шу билан бевоситадир.

Янги 2013 йилда ҳам халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни



Тошпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

ечиш каби долзарб масалалар бўйича ҳам қабул қилинажак дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши таъкидландики, бу ҳам юртимиздаги ҳар бир одам, ҳар бир оиланинг ҳаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш каби эзгу мақсадлар давлат эътиборида эканини исботлайди.

Бу эса инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият саналаётган юртимизда танланган йўлнинг қандай манзилларга қаратилганини кўрсатувчи асосий белгидир.

“Обод турмуш йили” юзасидан қабул қилинажак Давлат дастуридан Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг дастурий ғояларига мос вазифалар ўрин олиши белгиланмоқда. Бу эса партияимизнинг барча даражадаги фаолларидан, шу жумладан, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларидан жонбозлик ва фаоллик кўрсатишни талаб этади.

Турли соҳаларда эришилган муваффақиятлар қаторида юртимиз тиббиётида қўлга киритилган ютуқлар ҳам алоҳида эътирофга сазовор. Қабул қилинадиган Давлат дастурида алоҳида қайд этиб ўтилган олтига энг муҳим йўналишдан бири тиббиёт соҳасига тегишли эканлиги бежиз эмас.

Ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси

Зеро, халқ соғлиғи — давлат бойлиги. Соғ одам соғлом фикрлайди. Баракали меҳнат қилиб, ҳам оиласига, ҳам давлатга наф келтиради.

Тарих учун нисбатан жуда қисқа бир даврда энг ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олиш учун дадил одимлаб бораётган мустақил Ўзбекистонимиз тиббиётида оламшумул ўзгаришларга эришилди, десак сира муболага бўлмайди. Шундай бўлиши ҳам табиий эди. Чунки мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, нафақат йирик шаҳарларда, балки энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий тиббиёт хизматини йўлга қўйишга биринчи даражали аҳамият берила бошланди. Халқро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланган “Соғлом она — соғлом бола” дастури доирасида биргина ўтган йилнинг ўзига соҳа моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун катта миқдорда маблағлар ажратилди. БМТ, ЮНИСЕФ ва бошқа халқро ҳамғармалар билан ҳамкорликда “Саломатлик-3” лойиҳаси асосида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, замонавий техник воситалар ёрдамида ташхис қўйиш ва касалликнинг бошланғич босқичида даволаш ишлари жорий этилди. Профилактик тадбирларда аҳоли барча қатламларини қамраб олишга эришилди. Ушбу йўналишдаги ишларга “Обод



Алхмер ШОДМОНОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти ректори,
Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят Кенгаши раиси

турмуш йили” Давлат дастурида ҳам алоҳида эътибор қаратилади, албатта. Чунки ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш ишлаб чиқилган концепциянинг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгилангандир.

Ўзбекистон “Адолат” СДП дастурида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишда иштирокини янада кучайтириш, бепул тиббий хизмат кўрсатиши кафолатлайдиган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат солиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, болалар парвариши бўйича ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш белгиланган бўлиб, бу борада муайян ишлар қилинапти ва улар ўз самарасини бермоқда.

Фаоллар йиғилиши

минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чораларини рўёбга чиқариш бўйича депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилди

Депутатлик гуруҳларида

Маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг диққат марказидаги масалалардан бири бўлиб келмоқда. Партия марказий органи иш режасига асосан жойларда маҳаллий Кенгаш депутатлари фаоллигини янада ошириш борасида туркум тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Яқинда партиянинг Жиззах вилояти Кенгаши Ижроия Қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги тақдирларни тайёрлашда депутатлик гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

— Ҳозир халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни рўёбга чиқариш борасидаги ўз фаолиятларининг самарадорлигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши раиси Нурмамат Шодиев, — шу жумладан,

Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашда, сайловчиларни ўйлантираётган масалалар ечимида муҳим роль ўйнашлари керак.

Мажлисида қайд этилганидек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор йўналишлардаги вазифалар ижросини таъминлаш масаласига эътиборни кучайтирмоқдалар.

— 2012 йилнинг ўтган 9 ойида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича иш-

лар изчил равишда давом эттирилди, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши раиси биринчи ўринбосари Рустам Тўйчиев. — Ижро ҳокимияти маҳаллий органлари раҳбарларининг ҳисоботларини танқидий таҳлил этишга кўпроқ эътибор қаратаётган халқ депутатлари Зомин тумани депутатлари ҳамда Жиззах шаҳар депутатлик гуруҳи фаолиятини алоҳида тилга олиш жоиз.

Шунингдек, мажлисида айрим депутатлар фаолиятида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг регламентлари ҳамда улар доимий комиссиялари тўғрисидаги низоми мувофиқ тақдирларни тайёрлаш ва муҳокама этиш борасида локалликка йўл қўйилаётгани ва етарли даражада принципиаллик кўрсатилаётгани қаттиқ танқид қилинди. Шунингдек, касб-ҳунари коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш кераклиги таъкидланди.

— Тўғри, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари мажлислари ва сессиялари муҳокамасига депутатлар томонидан жуда кам масалалар киритилмоқда, — деди халқ депутатлари Зомин туман Кенгаши депутати, партиянинг Зомин туман кенгаши раиси А.Бегбўтаев. — Шунингдек, маҳаллий бюджет лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилиш, иш ўринлари ташкил этиш, ижтимоий

инфратузилмани ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда етарли фаоллик кўрсатилмапти. Бугунги мажлисида олган аниқ тавсияларимиз мавжуд камчиликларни бартараф қилишга хизмат қилади, албатта.

Шунингдек, мажлисида маҳаллий Кенгаш депутатлари олдидан турган устувор вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, партиянинг устувор вазифаларидаги ҳисобланган қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш, жамиятда аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада рағбатлантириш кабилар депутатлар диққат марказидаги масалалар эканлиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокама давомида мажлис иштирокчилари қайд этиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, депутатлар фаолиятини кучайтиришга оид дастурларга мувофиқ вилоят партия Кенгашида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Жиззах вилояти Кенгаши
матбуот хизмати



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламадаги ислохотлар самарасида бошқа соҳалар қатори хусусий ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам жадол ривожланимоқда.

Бухоро вилояти Фиждун туманидаги "Фиждун Машхура" хусусий корхонаси 2004 йилда ёшларга ҳунар ўргатиш маркази сифатида ўз фаолиятини бошлаган эди. 2011 йилдан кийим-кечак маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айни вақтда 35 киши меҳнат қилаётган корхонада 30 турдаги кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Корхона қошида ташкил қилинган ўқув курсларида ёшлар тиқиш-бичиш сирларини ўрганиб, шу ернинг ўзида амалиёт ўтамоқда.

Суратда: либослар дизайнер-тикувчиси
Шоҳинабону Насруллаева.
Т.ИСТАТОВ (ўз.)
олган сурат

Сиёсий ўқув

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилоят кенгашида партия таъкилоти фаоллари учун ташкил этилган ўқув-семинарда фаоллар, депутатлик гуруҳи аъзолари ва бошланғич партия ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Халқ депутатлари Хоразм вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари иш самарадорлигини янада оширишга бағишланган ўқув-семинар иштирокчилари вилоятда ислохотларнинг янги босқичида, аynиқса, партиялараро рақобат кучайган бир даврда сиёсий етук ва малакали кадрларга эҳтиёж ортиб бораётганини таъкидладилар.

Демократик ислохотларнинг бугунги босқичи

партия қурилиши соҳасини тубдан ислох қилишни талаб этмоқда

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги ишлар юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бу жараёнда эса сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклатилмоқда.

Шу нуқтаи назардан юқори малакали мутахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар манфаатини ҳимоя қилаётган Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ислохотларнинг янги босқичида янги-янги ғоя ва тақдирларни ўртага ташлаб, қонун ижодкорлиги фаолиятида партия электорати манфаатини изчил ҳимоя қилишга интилаяпти.

Хоразмлик партия аъзолари ҳам жорий йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатлар орқали маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органларида 20 дан зиёд депутатлик сўрови юбордилар.

Депутатлар гуруҳи фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган навбатдаги машғулотда ҳам депутатлар ишини янада жонлантириш, партия дастурида белгилаб олинган вазифалар асосида ҳудудий дастурлар ижросини қатъий назоратга олиш масалаларида алоҳида эътибор қаратилди. Партиянинг асосий бўғини саналган бошланғич ташкилотларда ҳам ташаббускорликни кучайтириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Бир сўз билан айтганда, бугунги тараққиёт ва кучли рақобат партиянинг қуйи бўғин-

ларига алоҳида эътибор қаратишни, улар билан тез-тез мулоқот қилишни талаб этмоқда. — Семинардан қўзланган асосий мақсад, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши раиси Нурмат Эшметов, — партия қурилиши соҳасидаги ишларимизни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, айрим партия тузилмалари фаолиятидаги камчилик

Депутатлар гуруҳи фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган навбатдаги машғулотда ҳам депутатлар ишини янада жонлантириш, партия дастурида белгилаб олинган вазифалар асосида ҳудудий дастурлар ижросини қатъий назоратга олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ва нуқсонларнинг сабабларини таҳлил қилиш ҳамда келгусидаги режаларни белгилаб олишдан иборат. Ана шулардан келиб чиқиб, семинарда вилоят партия Кенгашининг навбатдаги босқичдаги амалий ишлари, аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўлиmlларининг асосий йўналишлари, бугунги рақобат муҳитида жойлардаги депутатлик гуруҳлари ва бошланғич ташкилотлар олдидан турган вазифалар муҳокама қилинди. Семинарда, шунингдек, партия ҳудудий мақсадларида белгиланган тартибга мувофиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий-

лаштириш, сиёсий таълим марказлари ва мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари бўлиmlлари самарадорлигини ошириш каби масалалар юзасидан ҳам атрофлича фикр юритилди.

Ўқув-семинарда сўзга чиққан нотиклар вилоятда Ўзбекистон «Адолат» СДП маҳаллий кенгашларидаги депутатлар фаолиятини янада ривожлантириш ва бошланғич ташкилотлар иши самарадорлигини оширишга партия вилоят кенгаши мутасаддилари эътиборни кучайтиришлари кераклигини таъкидладилар.

Шу кунги ўқув-семинар иштирокчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда интерфаол машғулотлар ташкил этиб, депутатлик гуруҳларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллий ҳокимият ва давлат идоралари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, муаммолари масалаларни ижобий ҳал этиш, БПТлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ўзаро таъриба алмашдилар.

Семинарда, шунингдек, кадрлар захирасини шакллантириш, ҳудудий партия ташкилотларида сиёсий ўқувлар самарадорлигини оширишнинг янги усуллари қўллаш, «Адолат» СДП ижтимоий ҳамкорлари саналган Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси ҳамда Касаба уюшмалари федерацияси вилоят бўлиmlлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш галдаги устувор вазифалардан эканлиги белгилаб олинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Саломатлик кушандалари

Божхона бекати

Сифатсиз дори-дармон ва фармацевтика маҳсулотлари инсон учун энг азиз неъмат — сифатсиз саломатликка жиддий хавф туғдириши шубҳасиз. Чунки ҳар хил шароитларда ва белгиланган меъёрларга риоя қилинмаган ҳолда ташиладиган, олиб келинадиган дорилар шифо ўрнига касалликни янада кучайтириб юбориши мумкин. Афсуски, ушбу оддий ҳақиқатдан кўз юмган айрим кимсаларни юртдошларимизнинг саломатлигидан кўра, мўмай даромад кўпроқ қизқиради.

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида дори воситаларини, тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилишнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган ягона тартиби амал қилади. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек, республикада рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиш тақиқланади.

Бундан ташқари, Вазиrлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Респуб-

ликасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги Қарориди кўрсатиб ўтилган импорт қилинадиган, давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарлари рўйхатига дори-дармонлар ва дори-дармон воситалари ҳам киритилган. Аммо ушбу тартибларга риоя қилмасдан дори-дармон воситалари ва фармацевтика маҳсулотларини ноқонуний олиб ўтишга уринаётган сохта «фармацевтлар» ҳам йўқ эмас.

Республикада божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда шу



турдаги қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар олиб бoрилмоқда.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан «Навоий» божхона пости орқали юртимизга кириб келаётган пидедалардан бири, фуқаро А.Сафаровнинг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, қиймати 12,9 млн. сўмлик 7 турдаги стоматологик воситаларни божхона ба-

ённомасида қайд этмасдан, яширинча олиб киришга урингани аниқланди.

Андижонлик божхоначилар Қўрғонтепа туманининг қўшни давлатга чегарадош ҳудудида фуқаро Н.Жумаеванинг қинғир қилмишларига нуқта қўйишди. Қарангки, ушбу фуқаро 18,2 млн. сўмлик 830 тўплам дори воситаларини қўшни давлатдан яширин йўллар билан юртимизга олиб киришга уринган.

«Келес» темир йўл божхона постида «Новосибирск — Тошкент» йўловчи поездини божхона назоратидан ўтказиш чоғида, йўловчи А.Бекмуҳамедов қиймати 1,6 млн. сўмлик 3 турдаги дори воситаларини божхона баённомасида қайд этмасдан яширинча олиб киришга урингани аниқланди.

Худди шу рейсдаги бошқа бир йўловчи — Н.Эрашев эса ҳеч иккиланмай «қадамини катта ташлабди». У қиймати салкам 21 млн. сўмлик 19 турдаги дори-дармон воситаларини божхона баённомасида ҳам, божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида ҳам маълум қилмасдан туриб, олиб ўтишни кўзлаган экан. Аммо чучварани хом санаганини тушуниб етганида, кечиккан эди.

«Тошкент-Ўзро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари сохта «фармацевт»лардан яна бири — «Дехли — Тошкент» йўналиши бўйича парвозини яқунлаган Н.Ахмадалиевани қиймати 23,4 млн. сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган «Супрастин» дори воситасини ноқонуний тарзда олиб кираётганида тўхтатиб қилишди.

Чортоқ туманини қўшни давлат билан туташтирувчи айланма йўлда ҳаракатланаётган «Форд» юк машинаси ва «Нексия»дан иборат кичик карвоннинг сафари эрта қариди. Карвон «сарбон»лари эса божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари кузатувига тушишганини сезиб қолишгач, жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида қўшни давлат ҳудуди томон ҳуфтакни ростладди. Улар қолдириб кетишга мажбур бўлган автотранспорт воситалари ўрнатилган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, қонунбузарлар 109 та қутида 51 минг донадан ортиқ дори-дармон воситаларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб киришга уринишгани аён бўлди. Аниқланишича, хорижда ишлаб чиқарилган 8 турдаги мазкур фармацевтик маҳсулотларнинг умумий қиймати 56 млн. сўмдан ошар экан.

Фаргона вилояти божхоначилари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда муқаддам айланма йўллар орқали олиб қирилган ва божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган йирик

микдордаги дори-дармон воситаларининг «омбори»ни фош этишди. Фуқаро Х.Ғофуровнинг хонадони амалдаги тартибларга мувофиқ ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, хонадон соҳибаси фуқаро М.Ахмедовага унга тегишли қиймати 137,1 млн. сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган 8 турдаги дори-дармон ўз уйида ноқонуний равишда сақлашга рухсат берганлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, 2012 йилнинг ўтган 10 ойи давомида республикада божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 137 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган дори-дармон воситалари ва фармацевтика маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

ДБК матбуот хизмати

Жараён

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш ва

солиқ ҳисоботларини электрон шаклда юбориш афзалликлари

Тезкор ва қулай

Молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда қабул қилиш ва қайта ишлаш тизими Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси www.soliq.uz амалдаги ахборот порталида ташиқл этилган. Унда молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда шакллантириш бўйича дастурий воситалар ҳамда каналлар жойлаштирилган.

Тизим WEB технологияси-дан фойдаланган ҳолда жорий этилган бўлиб, электрон солиқ ҳисоботларини шакллантириш солиқ тўловчилар хоҳишига кўра икки усулда: hiso-bot.soliq.uz ёки hisobot.uz сайти орқали «Солиқ тўловчининг кабинети» бевосита шакллантирилади ва ўз навбатида электрон солиқ ҳисоботларидаги маълумотлар Давлат солиқ қўмитаси серверига келиб тушади. Автомат режимда EREPORTS V3.0 дастурий маҳсулидан фойдаланилган ҳолда электрон солиқ ҳисоботларини жўнатиш дастурий маҳсул воситаси ёки электрон почта орқали амалга оширилади.

Интернет провайдерлари учун тўланган тўловлардан ташқари, солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда шакллантириш ва жўнатиш шу жумладан, EREPORTS V3.0 дастурий маҳсулотни тарқатиш хизматлари бепул амалга оширилади. Ҳозирги кунда Наманган вилоятининг Янгйқўрғон туманида ҳисобот топшириш мажбуриятига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 75,2 фоизи ДСИга электрон ҳисобот топшириб келмоқда.

Солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни топ-

лик яратади. Электрон кўринишдаги солиқ ва молиявий ҳисоботларни қабул қилиш ва қайта ишлаш маълумотларини солиқ тўловчилар шахсий карточкаларига автоматик тарзда киритиш имконини беради. Бунда маълумотларни кўлда киритиш вақтидаги хато қилиш эҳтимолининг олди олинади.

Яна бир қулайлик шундан иборатки, бу ҳолатда солиқ тўловчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китобларидаги хабардорлиги ошади. Солиқ ва молиявий ҳисобот шакллариининг долзарблиги таъминланади. Чунки, тасдиқланган шакллар ўзгартирилган тақдирда, электрон шакллар дарҳол янгиланади. Мазкур тизимда электрон рақамли имзо ва шифрлаш каби сертификатлаштирилган криптографик воситалардан фойдаланиш натижа-сида ахборотнинг муҳофаза қилиниши ва махфийлиги таъминланади.

Хизматнинг бу тури, ўз навбатида, солиқ тўловчилар билан бирга ДСИ ходимларига ҳам ҳисоботларни электрон қайта ишлаш жараёнида катта имкониятлар туғдиради. Молиявий ва солиқ ҳисоботларини қабул қилиш, уларга жавоб ёзиш, ҳисобланган солиқ ва тўловларни солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисоб варақасига киритиш давридаги вақт тежаллади. Ҳисоботларнинг электрон архивда сақланиши эса улардан хоҳлаган вақтда фойдаланиш имконини беради.

Иқболжон ҲАКИМОВ, Янгйқўрғон туман ДСИ бошлиғи

ЙПХ хабари

Хизмат тақозосига кўра Ҳайдаржон бу-гун ҳам ишни туман ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмидан бошлади. Нима янгиликлар, қандай топшириқлар борлиги билан қизиқди.

— Ташқарида йиғилиб турган одамларга эътибор бердингизми? — деди навбатчи ташқарида асабийлашганча у ёқдан бу ёққа бориб келаётган беш-олти кишини кўрса-тиб. — Хоразмдан гуруч олиб келишган экан. Бир фирибгарга йўлиқишибди. Юк машиналарига алоҳида эътибор қаратинг. Гуруч ортган машиналарни тўхтатганда ҳўжатларини синчковлик билан текширинг. Мана бу ўша фирибгарнинг су-рати. Одамлардан бири тасо-дифан телефонига тушириб олган экан. Жуда аниқ бўлма-са-да, ҳар ҳолда таниса бўла-ди.

— Тушунарли, — деди Ҳайдаржон хирагина суратни кўлига олар экан. Кўпайтириб бошқа ходимларга ҳам бера-ман.

— Кўпайтириб қўйганмиз, — деди навбатчи. — Курол ол-дингизми?

— Ҳа. Зарур бўлсам радио алоқа ишлаб турибди.

— Яхши.

Ҳайдаржон хизмат автома-шинасида одати бўйича ўзига бириктирилган ҳудудни бир сидра айланиб чиқишга ки-ришди. Кўп қаватли уйлар жой-лашган мавзегга яқинлашгани-да кўлларини чўнтагига солга-нича, бошини бироз эгиб ке-таётган йиғитга кўзи тушди. У навбатчилик қисмидан олган суратдаги одамга жуда ўхшаб кетарди.

Миляция машинаси ўзи то-мон келаётганини кўрган йи-гит ўзини уйлар оралиғига урди.

Кўп қаватли бинолар ораси-да машина билан қувий ўта хавфли эканлиги боис Ҳайдар машинадан туша солиб унинг

«Шаҳар дарвозаси» ишончли кўлларда



ортдан югурди. Уни кўрган бояғи йиғит томорқалар ора-лаб қоча бошлади.

— Тўхта, жойингдан қимир-лама, — деди ортидан югуриб келаётган Ҳайдаржон.

Аммо у тўхташни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Шунда югу-риб бораётган Ҳайдаржон кўролини кўлга олди.

— Тўхта, отаман.

Ортига бурилиб қараган йиғит милиция ходимининг кўлидаги куролни кўриб, ерга ўтириб олди. Ортидан етиб келган Ҳайдаржон дарҳол унинг кўлига кишан солди.

— Қани туринг, йиғит, — деди у бир кўли билан юзи-даги терини артар экан. — Қилмишларингиз учун жавоб берадиган вақт келди.

— Қўйиб юборинг, нима ҳаққингиз бор мени ушлашга?

— Нима қилганингизни ички ишлар бўлимида аниқлашмиз.

Йиғит индамасдан унинг измига бўйсинди. Шикоятчи-лар билан юзма-юз қилинган-нида қилмишларига тўлиқ икорор бўлди.

Бу Тошкент шаҳар ИИББ ЙХБ ЙПХ бригадасининг 3-йўл-патруль хизмати дивизи-они инспектори, сержант Ҳай-

даржон Усмоновнинг иш фао-лиятидан бир лавҳа. Бунга ўхшаш ҳолатлар эса унинг ҳаётида жуда кўп бўлган.

— Ходимнинг иши ғоят масъулиятли, — дейди дивизион командири Фанишер Эгамбердиев. — Айниқса, мун-тазам йўл-патруль хизмати масканларида иш олиб бора-ётганлар зиммасида катта масъулият ётади. Шу сабабли ҳам Тошкент шаҳрининг ра-мзий «дарвозаларидан» ҳисоб-ланган «Эркин» йўл-патруль хизмати масканида Ҳайдар Усмоновга ўхшаш масъулият-ни ҳис этадиган, тажрибали ходимларга эҳтиёж катта.

Дарҳақиқат, пойтахтга кела-ётган қўллаб меҳмонлар айнан шу маскан орқали марказга киришади. Уларни кузатиш, лозим бўлганда жиддий тек-шириш керак бўлади. Узоқ йўл босиб келаётганларга баъзан инспекторнинг тўхтатиши ма-лол келади, албатта. Лекин шароит шунга тақозо этади. Шу боис инспекторнинг босиқли-ги, муомала маданиятига риоя этиши қатъий талаб этилади.

— Ишимиз масъулиятли бўлиши билан бирга жуда қизиқарли ҳамдир, — дейди

Ҳайдаржон. — Ҳар хил феъл-атворли одамлар билан суҳ-батлашамиз. Кимдир шоши-либ ёрдам сўраб келади. Кўп нарсаси муомалага боғлиқ экан-лигини, устозларим доимо таъкидлаб келишарди. Айниқ-са, Эркин ака Султонов, Мав-лон ака Аъзамовларнинг йи-гитлари дивизионимиз коман-дири Фанишер Эгамбердиев-нинг кўрсатган йўл-йўриқлари фаолиятимизда жуда кўл кел-аяпти.

Маскандагилар билан хайр-лашиб, дивизион штабига бордик. Ҳайдаржоннинг иш натижалари билан қизиқдик. 2012 йилнинг ўтган даври мо-байнида Ҳ.Усмонов томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ 6 та ҳолат аниқланибди. Қоидабу-зарликларни аниқлаш бораси-даги ишлари ҳам бошқалар-никидан анча юқори. Бу эса шаҳримизнинг «Жанубий дар-возаси» ишончли кўлларда эканлигидан далолат.

Мансуржон РИХСИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХББ катта инспектори, подполковник

Қонун барчага баробар: назоратчига ҳам, тадбиркорга ҳам

Концепция: устувор вазифалар

2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 30 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келарди. Ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 53 фоиздан ортиб кетди. Айни пайтда иш билан банд аҳолининг 75 фоиздан ортиғи мана шу секторда фаолият юритмоқда. Соҳада қонуний-ликни таъминлаш, ҳусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоя-сини мустаҳкамловчи қафолатли тизим яратиш за-руратлари Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фўқаролик жамиятини ривожлантириш концепция-си» номли маърузасида атрофлича таҳлил қилиб берилган. Хўш, мазкур устувор масала жойлардаги Ҳўжалик судлари фаолиятида нечоғли намоён бўлмоқда? Мўхбиримизнинг Наманган вилояти хўжалик суди раиси Бахтиёр ИСАҚОВ билан муло-қоти ана шу мавзуга бағишланди.

— Асосий қонунимизда тадбир-корлик ва меҳнат қилиш эркин-лиги, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жи-ҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши қафолатланган.

— Тўғри. Мулкчилик муноса-батларининг ҳуқуқий асослари сиз юқорида таъкидлаган бош қонунимиздан ташқари Фуқа-ролик кодексига ҳам ўз ифо-дасини топган. Унда мулк ҳуқуқи тушунчаси янада кенгай-тириб берилиши билан бир-га, янада аниқлаштирилди ҳам. Мулкнинг дахлсизлиги, мулк ҳуқуқининг мўддатсизлиги мус-таҳкамлаб қўйилди. Ҳуқуқий мақомлари белгиланди.

Бинобарин, хўжалик муноса-батларида қонунийлигини таъ-минлаш, турли мулк шаклла-ридаги хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, тадбир-корларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоя қилиш му-ҳим аҳамиятга эга. Бу борада 2005 йил 14 июнда Прези-дентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тако-миллаштириш чора-тадбирла-

ри тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чо-раларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, 2005 йил 24 июнда давлатимиз раҳбари-нинг «Тадбиркорлик субъект-ларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молия-вий жавобгарлигини эркин-лаштириш тўғрисида»ги, 2005 йил 5 октябрда эса, «Тадбир-корлик субъектларини текши-ришни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғ-рисида»ги қатор Фармонлари ҳамда 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомил-лаштириш ва уни қонуний талаб этганлик учун жавобгар-ликни қучайтириш тўғри-сида»ги Қарори қабул қилин-ди. Бу фармон ва қарорлар айни пайтда ҳам иқтисодиёт-ни янада эркинлаштиришга, назорат органларининг тад-биркорлик субъектлари фао-

лиятига аралашувини ка-майитиришга, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бе-ришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, 2006 йил 26 декабрда Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан 2011 йил мобайнида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан боғ-лиқ 483 та ариза кўриб чиқи-либ, қаноатлантирилган (қис-ман қаноатлантирилган) бўлса, 35 та аризани қаноатлантириш рад этилган, 24 та ариза қўрмасдан қолдирилган, 3 та ариза бўйича иш юритиш ту-лиқланиб, 50 та ариза эса кам-чиликлар мавжудлиги сабаб-ли қайтарилган.

Мазкур аризаларнинг акса-рияти давлат солиқ хизмати органлари томонидан тақдим

— Ҳўжалик судлари томони-дан қўйилган ишларнинг сал-моқли ҳиссаси кўпроқ қандай му-носабатлардан келиб чиқадиган низоларни ташкил қилмоқда? Таҳлилларга кўра, вилоят хўжалик суди томонидан 2011 йил мобайнида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан боғ-лиқ 483 та ариза кўриб чиқи-либ, қаноатлантирилган (қис-ман қаноатлантирилган) бўлса, 35 та аризани қаноатлантириш рад этилган, 24 та ариза қўрмасдан қолдирилган, 3 та ариза бўйича иш юритиш ту-лиқланиб, 50 та ариза эса кам-чиликлар мавжудлиги сабаб-ли қайтарилган.

Мазкур аризаларнинг акса-рияти давлат солиқ хизмати органлари томонидан тақдим

Партия мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттириш, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкам-лашнинг амалий шакл ва услубларини ишлаб чи-қиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самардорлигини оширишга фаол кўмаклашишни мақсад қилиб қўйган.

(Ўзбекистон «Адолат» СДП дастуридан)

этилган бўлиб, уларда асосан, молиявий санкциялар қўллаш сўралган. Яъни, тадбиркор-лик субъектларининг банк-лардаги ҳисоб варақлар бўйи-ча операцияларни тўхтатиб қўйиш, тадбиркорлик фаоли-ятини айрим турлари билан шу-ғулланиш лицензияларини амал қилишини тугатиш, тад-биркорлик фаолиятининг ай-рим турлари билан шуғулла-ниш лицензияларини бекор қилиш масаласи қўйилган.

Ҳолбуки, суд томонидан, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳақидаги давлат ор-ганининг аризасини қабул қилиш масаласини хал этиш-да, аризалар, Олий хўжалик суди ва Давлат солиқ қўмита-си томонидан 2005 йил 7 ок-тябрда тасдиқланган Президен-тимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя

қилиш тизимини янада тако-миллаштириш чора-тадбирла-ри тўғрисида»ги ва «Тадбир-корлик субъектларини хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлиги-ни эркинлаштириш тўғриси-да»ги Фармонлари ижросини таъминлаш юзасидан «Давлат солиқ хизмати органлари то-монидан тадбиркорлик субъек-тларининг банк муассасала-ридаги ҳисоб варақлар бўйи-ча операцияларини тўхтатиб қўйиш ва молиявий санкция-ларни қўллаш тўғрисида хўжа-лик судларига мурожаат қилиш тартиби» ҳамда 2008 йил 11 январда тасдиқланган «Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш, молиявий сан-кцияларни қўллашга оид хўж-

қилиш тизимини янада тако-миллаштириш чора-тадбирла-ри тўғрисида»ги ва «Тадбир-корлик субъектларини хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлиги-ни эркинлаштириш тўғриси-да»ги Фармонлари ижросини таъминлаш юзасидан «Давлат солиқ хизмати органи томонидан тадбиркорлик субъектларини хўжалик соҳа-сидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эр-кинлаштириш тўғрисида»ги Фармонининг 2-бандига асо-сан материаллар суд инстан-цияларига топширилган ҳо-латларда, тадбиркорлик субек-ти солиқлар ва бошқа мажбу-рий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузар-лик тўфайли етказилган зарар-нинг ўрнини бир ой мобайни-да ихтиёрий равишда қопла-ган ҳамда унинг оқибатлари-ни бартараф этган, жумладан, пеня тўлаган тадбиркорлик субъекти молиявий санкция-лар қўлланилишидан овоз эти-лиши белгиланган.

Жумладан, давбоғар Наман-ган шаҳар Давлат солиқ ин-спекцияси судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «Мунира» кўп тармоқли хусусий

фирмасига нисбатан Ўзбекис-тон Республикаси Солиқ кодек-сининг 114, 119-моддаларига асосан молиявий жарима қўллашни сўраган. Ишни кўриш жараёнида аниқланган ҳолатларга кўра, жавобгар «Мунира» кўп тармоқли хусусий фирмаси томонидан ариза суд иш юритувига келиб тушган-дан сўнг жарима миқдори их-тиёрий равишда тўланганли-ги аниқланган. Ушбу ҳолатда гарчи жавобгар жаримани их-тиёрий равишда тўлаш учун белгиланган мўддатда тўлов-ни амалга оширмаган бўлса-да ариза билан судга муро-жаат қилингандан сўнг молия-вий жарима ихтиёрий равиш-да тўланганлиги тасдиқланган-лиги сабабли суд, аризани қаноатлантиришни рад қилган.

Вилоят хўжалик суди томо-нидан шу каби ҳолатларни ҳамда қамчиликларни барта-раф этиш мақсадида, шунинг-дек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай муҳит яра-тиш, ушбу субъектлар фаолия-тига қонуний аралашувлар-ни чеклаш, уларнинг ҳуқуқла-ри ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада қучайтириш мавзусида семинарлар ўткази-либ, унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органлар, савдо саноат пала-таси вакиллари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳамда қабул қилинаётган Ўзе-бекистон Республикаси Қонунла-ри ва қонун ости ҳўжатлари ҳақида маърузалар қилинмоқ-да.

Ушбу жараёнлар тадбиркор-ларнинг ҳуқуқ ва манфаатла-рини мустаҳкам ҳимоя қилиш, уларнинг билим ва тушунчала-рини оширишга хизмат қил-моқда.

«Adolat» мухбири Саидолм АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди

Кўшнинг тинч — сен тинч

Шарҳ

Албатта, бугунги глобаллашув ва интеграция жараёнлари кучайган, айти пайтда дунёнинг, жумладан, минтақамизнинг “қайноқ нуқта”ларидаги зиддиятлар тобора авж олаётган шароитда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини, оёсийишта ва обод турмушни сақлаш, қўшни давлатлар ва халқлар билан ўзаро ҳамжиҳатликда яшаш шарт-шароитларини таъминлашга қаратилган ташки сиёсатимизнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида халқаро ҳаётнинг долзарб муаммоларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Жумладан, коалицион кўшнларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилишидан кейин минтақада янги хавф-хатарлар юзга келиши эҳтимоли ҳақида тўхталиб, моҳирони ечиш борасидаги мамлакатимизнинг қатъий позициясини яна бир бор қайд этиб ўтди: “Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, вуҳудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буён муҳоама этилиб келинаётган энг мақбул вариант — бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ва шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мулоқот гуруҳини шакллантиришдан иборат.

Бу гуруҳ хатти-ҳаракатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муросага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топаган бўлар эди.

Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносиб муқобил варианты йўқ”.

Ҳа, аввало Афғонистоннинг ўзи, манфаатдор давлатлар, қолаверса, бутун инсоният бу муносабат, тақлиф тимсолида йиллар мобайнида газаклаб кетган афғон муаммосини даволашнинг муқобили йўқ ечимига эга бўлмоқда. Дунё фойдалана олармикан бу имкониятдан?..

Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршилиқлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ҳамда динлараро зиддиятлар қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими ҳамда инсониятнинг бошқа муаммолари кенгайи-

шига йўл очмоқда.

Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 33 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон замини миқсолида кўришимиз мумкин. Бу ўлкадаги муаммолар занжири афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги ҳақидаги тасаввурларни янада ойдинлаштирмоқда. Халқаро коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермаяпти.

Шу нуқтаи назардан тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш борасида турли тақлифлар илгари сурилмоқда. Айниқса, Юртбошимиз томонидан 2008 йилда тақлиф этилган БМТ шафёлигида мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Афғонларнинг ўз мамлакатини муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, яъни Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмағида ўзлари ҳал этишлари даркорлиги мазкур ташаббуснинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг бош мақсади бир-бирига қарши томонлар ўртасида ўзаро келишув ва муросага эришиш, Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий қарама-қаршилиқка жалб этилган асосий этник ва диний гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи коалицион ҳукумат тузиш бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг устувор йўналишлари” деб номланган

3-бобида асосий устувор йўналиш сифатида Марказий Осиё минтақаси қайд этилганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимизнинг ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақадаги “ён қўшни — жон қўшни” мамлакатлар билан ҳамбарчас боғлиқдир. Сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, катта миқдордаги минерал ва хомашё ресурслари туфайли, халқаро майдонда жиддий эътибор объектига айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, яқин ўтишдаги тарихий тажриба Афғонистон муаммосини зўравонлик, қурол-ярғоқ ишлатиш йўли билан ҳал этиб бўлмаслигини яна бир қарра тасдиқлади. XIX асрдаги инглиз-афғон уруши ва шўроларнинг Афғонистонни ўз таъсир доирасига олишга уринишларининг муваффақиятсизликка юз тутгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Шу нуқтаи назардан, муаммони тинч йўллар билан ечишга қаратилган ҳар қандай тақлиф ва ташаббуслар бугун дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқишлар билан кутиб олинаётганини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Ҳеч шубҳа йўқки, Афғонистон заминиде кескинлик, қирғинбарот урушлар мавжуд экан, минтақадаги тинчлик-барқарорликка нисбатан ҳам таҳдид сақланиб қолаверади.

Бугунги кунда тўхтовсиз давом этаётган қуролли қарама-қаршилиқлар, террорчилик ҳаракатларининг тобора ошиб бориши 2014 йилдан кейин халқаро коалиция кучлари олиб чиқилган, афғон хавфсизлик кучлари тинчликни сақлаб олишга қўриб етадими, деган савол кундалан бўляпти.

Юртбошимиз афғон мавзусига оид кўплаб маърузаларида муаммонинг илдишларидан бири бу ижтимоий аҳволнинг оғирлиги билан боғлиқлигини таъкидлаган эдилар. Президентимиз иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфра-тузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши, Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарурлигини бежиз таъкидламаган.

Кузатувчиларнинг фикрича, ҳозирги кунда кўрсатилаётган халқаро ёрдам Афғонистон олдиде турган улкан ижтимоий муаммоларни ечишга камлик

қилади. Эътибор беринг: бугунги кунда мамлакат фуқароларининг аксарият қисми ишсиз, демак, қашшоқ ҳисобланадилар. Жамиятда кучга тўлган ёшлар кўпчилигини ташкил этгани ва тирикчилик қилишнинг имкони бўлмагани сабабли жангарилар арзимаган маош эвазига уларни ўз сафларига жалб этаётганлари ҳам ҳеч кимга сир эмас. БМТ эълон қилган маърузада айтилишича, жафокаш афғонлар ўз хавфсизликлари таъминланмаганини аҳамияти жиҳатидан иккинчи энг жиддий кулфат сифатида эътироф этишган. Афсус билан қайд этиш керакки, таҳдидлар рўйхатида коррупция балоси қарвонбошилиқ қияпти. Порахўрликнинг «умумий бозори» ялпи ички маҳсулотнинг 23 фоизига тенг деб баҳоланаётган бир пайтда халқаро ҳамжамият томонидан ажратилаётган ёрдамлар яна исиз йўқолмаслигига ҳеч ким қаролат беролмайди.

Бугунги шароитда мабодо, урушда суяги қотаётган ва савдосиз ўсаётган ёшлар қуролларини ташлаган тақдирда ҳам уларни иш ва ёрқин келажак билан таъминлаш энг оғир вазифа бўлиб қолаверади. Ваҳоланки, афғон заминиде саноат ва кишлоқ хўжалиги вайронга айланган, афғон етиштирилаётган майдонлар ҳамма эса тобора кенгайиб бормоқда.

Шу билан бирга, экспертлар ноаниқ бомбардимонлар туфайли тинч аҳоли орасида қурбонлар кўпайиб бораётгани аҳоли норозилигига олиб келаётгани ва толиблар сафи аламзадалар ҳисобига тўлдирилаётганини ҳам эътироф этмоқдалар. Шу боис ҳам қатор ийрик давлат аربоблари, халқаро кузатувчилар Юртбошимизнинг, авваламбор, афғон халқининг миллий урф-одатлари ва маданияти, диний қадриятлари ҳурмат қилиниши лозимлигига эътибор қаратиш кераклиги ҳақидаги фикрларини кўллаб-қувватламоқдалар.

Эътироф этиш керак: Афғонистондаги вазият тобора мураккаблашиб бораётди. Аксилтеррор коалициянинг 11 йилдан бери «Толибон»нинг қаршилигини енгишга қаратилган уринишлари кутилган натижага бермаяпти. Рақамларга эътибор беринг: 2012 йилнинг ўтган даври давомида коалиция талафотлари кўпайиб, 360 нафарга тенг бўлди. 2011 йилда Афғонистонда жами 3000 дан зиёд коалиция кучлари ҳарбий хизматчилари ҳалок бўлди, тинч аҳоли орасидаги қурбонлар

сони эса 2012 йилнинг биринчи ярмида 2011 йилнинг ўтган даврига нисбатан 30 фоизга кўпайиб, 1145 кишини ташкил қилди.

Халқаро коалиция аскарлари орасидаги талафотлар сони ошгани сайин эса аксилтеррор операция етакчиси — АҚШ маъмурияти афғон моҳиросини барқарорлаштиришнинг самарали йўлларини қидиришга мажбур бўляпти. Муаммони ҳарбий йўллар билан ечиш борасидаги тақлифлар нафақат Вашингтондаги сиёсий доиралар, балки жаҳон ҳамжамиятининг аксарият давлатлари қаршилигига учраётгани ҳам ҳақиқатдир.

Дунё сиёсатчилари таъкидлаганидек, жафокаш афғон заминиде тезроқ тинчлик қарор топиши учун жаҳон ҳамжамиятининг, биринчи навбатда, иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиши, шу заминда яшаётган турли миллат ва элатларни бир мақсад йўлида жиқслаштириши, халқнинг миллий урф-одатлари ва маданиятига, диний қадриятларига ҳурмат билан ёндашиши талаб этилади.

Юртбошимиз томонидан чуқур ўйланган ташаббуснинг амалда Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклашга кўмаклашиш орқали исботланаётганини ҳам халқаро кузатувчилар бежиз таъкидламаяптилар. Масалан, кейинги йилларда мамлакатда инфратузилмаларни тиклаш, кишлоқ хўжалиги, суғориш иншоотларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар алмашиш, шунингдек, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш каби кўплаб кўшма лойиҳалар Ўзбекистон томонидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон қурилиш ташкилотларининг ўнлаб кўприклар бунёд этишда қатнашганлиги, «Термиз — Хайратон — Мозори Шариф» темир йўли қурилиб, ишга туширилгани, етказиб берилаётган электр энергияси миқдорининг ўтган йиллардаги нисбатан бир неча баробар ошгани, БМТ ҳамда бошқа мамлакатлар томонидан Афғонистонга жўнатилаётган гуманитар юкларининг катта қисми ҳам айнан Ўзбекистон орқали ўтаётгани кўшни мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш ва моҳиронинг тезроқ ҳал этилишига самарали ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Қаҳрамон ҚўЛДОШЕВ

«Опель» Боҳумдаги заводини ёпади

Opel компанияси 2016 йилга бориб Германиядаги катталиги жиҳатидан иккинчи йирик заводини ёпишини эълон қилди, деб хабар беради Reuters агентлиги.



General Motors концерни таркибига қирувчи компания раҳбарияти ўзининг махсус баёнотида Европа автомобил бозоридеги тушкунлик ва заводларда маҳсулотларнинг туриб қолиши мазкур қарорга сабаб бўлганини маълум қилди. Аммо Opel раҳбарияти Боҳум заводида тақсимловчи марказ қуриш ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ҳолда иш ўринларини қисқартиришнинг олдини олишга умид қилмоқда.

Осиё 2030 йилга бориб зўрларнинг зўри бўлади

2030 йилга бориб, Осиё АҚШ ва Европага нисбатан кучли иқтисодий салоҳиятга эга бўлади.



Бу ҳақда Америка Марказий разведка бошқармаси томонидан тайёрланган маърузада қайд этилади.

Яқин йигирма йилликда Хитой ўз иқтисодий салоҳияти бўйича Американи қувиб ўтади. Маърузада ривожланган мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръатлари сусаяётгани, ҳаёт даражаси пасайиб, ёш жихатдан кексайиш жараёни кечаётганига алоҳида урғу берилган.

“2030 — глобал тенденциялар” деб номланган маъруза Барак Обама президентлигининг иккинчи муддати учун махсус тайёрланган бўлиб, у АҚШ президенти маъмуриятига янги стратегия ишлаб чиқишга мўлжалланган.

Таҳлилчилар фикрича, Европа, Россия, Япония мамлакатларида бундан буёғига иқтисодий ўсиш суръатлари секин-секин пасайишда давом этади.

Сўнгги йигирма йилликнинг асосий муаммолари сифатида таҳлилчилар аҳолининг қарши, ўрта синф вакилларининг қўпайиши, шунингдек, табиий ресурсларнинг емирилишини кўрсатиб ўтишган.

Уша даврга бориб, дунёдаги жараёнларга ҳарбий техникалар, давлат бошқаруви усуллари, сепаратизм ҳамда янги технологиялар пайдо бўлиши каби омиллар жиддий таъсир кўрсатади.

Бир долларлик купюрадeн воз кечилади?

АҚШ Конгресси бир долларлик банкнотлардан воз кечиш ҳамда уларнинг ўрнига танга пулларни жорий этишга оид қонун лойиҳасини муҳокама қилмоқда. Аммо америкаликлар бу ташаббусдан унчалик ҳам мамнун эмас.



Rasmusen Reports компанияси томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, сўралгeнларнинг бор-йўғи 21 фоизи Жорж Вашингтон сурати туширилган банкнотлардан воз кечиш тарафдори бўлса, 59 фоизи қатъий қарши эканлигини билдиришган. Яна 20 фоиз киши бу ҳақда жавоб беришга иккиланган.

Ушбу банкнотдан воз кечиш тарафдорларининг фикрича, федерал ҳукумат уни 150 йилдан бери чоп этиб келади. Ваҳоланки, бу катта харажат. Агар тегишли чоралар қўрилса, етарлича маблағ иқтисод қилиниши мумкин. АҚШ ҳисоб палатасининг аниқлашича, бундан мамлакат газнаси 30 йил

давомида 4,4 миллиард доллар тежаш имконини беради. Бир долларлик купюраларни алмаштириш осон кечмаслиги аниқ. АҚШ газначилиги амалиётга ҳар йили 8,4 миллиард доллар маблағ киритади, уларнинг қарийб 2 миллиарди бир долларлик банкнотлардир. Ваҳоланки, ҳар йили емирилиши ва зарарланиши оқибатида бир долларлик 3,2 миллиард купюралар муомаладан чиқарилади. Банкнотларни тангага алмаштиришга қарши чиқаётганлар, ўз навбатида, тангаларнинг ноқулайлигидан нолишган.

Украинада янги бош вазир

Украина президенти Виктор Януковичнинг расмий сайтида эълон қилинган хабарга кўра, давлат раҳбари Николай Азаровни бош вазир этиб тайинлаш тўғрисидаги фармонга имзо чеккан.

Бундан олдин Украина Радаси Н.Азаровнинг иккинчи марта мамлакат бош вазир этиб тайинланишини маъқуллаган эди. Талаб қилинган энг кам овоз миқдори 226 га тенг бўлгани ҳолда мазкур тақлифни 252 депутат кўллаб овоз берган.



Жаҳон банки кредитлашдан воз кечди

Жаҳон банки Грецияга кредит ажратиш ниятида эмас. Бу ҳақда Agence France-Presse агентлиги банк раҳбари Жим Ен Ким (Jim Yong Kim) сўзларига таяниб маълум қилди.



Унинг айтишича, Греция қарз бериш учун белгиланган талабларга жавоб бермайди. Масалан, Жаҳон банкнинг бўлими — Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртача даромадли мамлакатларга қарз беради. Жим Ен Кимнинг айтишича, расмий Афина

юқори даромадли мамлакатлардан саналади. Бундан ташқари, Жаҳон банки Греция билан бизнес юритиш шароитларини яхшилаш ва иқтисодиётни ўсиш даражасига қайтариш бобида ҳам техник маслаҳатлашувлар олиб боришни қамайтирмоқчи.

Франция: тамакини енгиб бўлмаяпти

Францияда ҳукуматнинг тамакига қарши олиб борган кураши муваффақиятсизликка учрагани айтилмоқда.


Расмий ҳисоботда қайд этилишича, мамлакатда 1991 йилдан бери кашандаликка қарши ўзига хос жанг эълон қилинган. Тўғри, бу кампаниянинг дастлабки йилларида чекувчилар сони камайган, бироқ кейинги ўн йилга келиб улар миқдори яна ошган.

Маълумотларга кўра, Францияда ҳар йили 73 минг киши тамакининг қурбонига айланмоқда. Шу сабабли экспертлар бу иллатга қарши фақат тамаки маҳсулотларининг нархини кескин ошириш орқали самарали кураш олиб бориш мумкин деб ҳисоблашмоқда.



Ишсиз ёшлар сони 75 миллионга етди

Халқаро Меҳнат ташкилоти ҳулосасига кўра, кейинги йилларда дунёни қамраган глобал инқироз — ишсизликдан норозилиги кучайиб бораётган ёшлар сони тобора ортмоқда.



БМТ муассасаси бўлган ушбу ташкилот ҳисоботида кўра, шу кунларда дунё бўйлаб 15-24 ёшлар оралиғидаги 75 миллион одам ишсиздир ва ёш ишсизлар сони дунёда глобал танглик бошланган 2007 йилдан буён 4 миллионга кўпайган.

Ишсиз ёшларнинг 6 миллиони тайинли иш топишдан умидини узган ёшлардир. Энг муҳим муаммо шундаки, глобал иқтисодий инқироз боис дунё давлатларида қисқариб бораётган иш ўринларидан борган сари кўпроқ ёшлар бўшатишмоқда.

Адолатлилик — улуғ хислат

Таҳририят меҳмони

Санъат оламида ўз ўрнини топиш мақсадида тинмай олға ҳаракат қилаётган истеъдодли ёшлар кўплаб топилади. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунда кўнгилдан жой топа оладиган кўшиқлар яратиб, ўз муҳлисларига эга бўлиш осон иш эмас. Ўзига ишонч билан, санъат оламининг машаққатларидан кўркмай, астойдил меҳнат қилиб келаётган ёшлардан бири Сардор Мамадалиевдир.

— Ҳар бир инсоннинг болаликдан орзу-ҳаваслари бўлади, у ўзига бир касб таллайди, аммо улғайганда эса ўзи билган ёки билмаган ҳолда ниятини ўзгартиради. Айтнинг-чи, сизда шундай вазият бўлганми?

— Болалигимдан санъатга қизиқишим балид бўлган эди. Оиламдагилар ҳам санъатсеварлар, шунинг учун ҳам уйимизда кўплаб мусиқа асбоблари бўларди. 2000 йил ўрта мактабни тамомлаганимдан кейин, Наманган вилоятидаги санъат коллежига ўқишга кирганман. 2003 йил коллежни тамомлаб, Ўзбекистон давлат Консерваториясига ҳужжатларимни топшириб, анъанавий хонандалик бўлимида мақом йўналишида устозим, Ўзбекистон халқ хофиси Махмуд Тожибоев кўлида тўрт йил давомида таҳсил олдим.

— Кундан-кунга ёш эстрада хонандалари кўпайиб бормоқда. Сиз рақобатдан кўркмайисизми?

— Тўғри, рақобат бор жойда ривожланиш бўлади, албатта, бироқ рақобат тўғри бўлиши керак, чунки баъзи камчиликларни ҳам рақобат дейишимиз тўғри эмас. Бир ҳафтада ёки бир ойда машҳур бўлиб кетган инсонларни рақобатлаша олади, деб ўйламайман. Рақобат фақат ижодда бўлиши керак, аммо шахсий ҳаётга буни аралаштирмаслик керак.

Биласизми, ким мендан ўтиб кетяпти ёки орқада қолиб кетяпти, деган тушунча менда йўқ. Чунки санъат соҳасига энди кириб келяпман, ҳали устозларимдан ўрганадиган нарсаларим жуда кўп, шунинг учун ҳам мен рақобатга тайёр эмасман, деб ўйлайман. Ҳозирча ўз йўлимда ва ўз йўналишимда ижодимни давом эттиряпман.

— Қўшиқларингиз мусиқасини асосан ўзингиз басталайсиз.

Бунинг сабаби нимада?

— Тўғри, асосан ўзим басталайман. Мен ўз кучим ва меҳнатим орқали ютуқларга эришишни хоҳлайман ва бунинг учун астойдил ҳаракат қиламан.

— Танқидга қандай қарайсиз?

— Агарда танқид ўринли бўлса, ижобий қарайман. Лекин, афсуски, ўринсиз танқидлар ҳам учраб туради.

— Сизнинг қалбингиздан жой эгаллаган ва машҳурлик сари етаклаган илк қўшиқларингизни айта оласизми?

— Мен ўзимни машҳурман, деб айта олмайман, санъат соҳасига кириб келганимга энди икки йил бўляпти. Менга омад келтирган қўшиқларим бу Муҳаммад Юсуфнинг «Сени ҳеч ким севолмайди менингдек» ва Сирожддин Сайиднинг «Қоши қаролар» шеърларидир.


— Ҳаётда асосан кимларнинг ёрдамига таянасиз?

— Ҳаётда асосан ота-онамга, устозларимга, ака-укаларимга, дўстларимга сўянаман. Керакли маслаҳатларни, энг аввало, ота-онам ва устозимдан оламан, улар ҳар доим менга тўғри йўл кўрсатишади.

— Санъаткор доимо ҳар хил шоиқлар билан ишлаши керак, назаримда. Шунда унинг ижодида бир хиллик бўлмайди. Лекин сиз кўпроқ акангиз — Улуғбек аканнинг шеърларидан фойдаланасиз, бунинг сабаби нимада?

— Галингиз тўғри, албатта, лекин фақат аканнинг шеърларидан фойдаланмайман, қўшиқларимнинг нақоратларини асосан ўзимга мослаб яратаман, кўплаб шоиқлар билан ҳамкорликда ишлаб келяпман. Масалан, Иқбол Мирзо, Бобур Бобомурод, Жамол Камол, Аҳат Каюм ва Алимурод Тожиёвлар шулар қаторида.

— Сизнинг ижодингиз Охунжон Мадалиевнинг ижодини



эслатаётгандек гўё. Бу уларга нисбатан тақлидми ёки ўзингизнинг йўналишингизми?

— Охунжон Мадалиевни мен устозим деб айтаман. Чунки шу инсонга ҳавас қилиб қўшиқчилик соҳасига кириб келганман. Уларга тақлид эмас, доим ҳавас қилганман.

— Юлдузлик касаллигига қандай қарайсиз?

— Ҳаётимда кўп бора кузатганман, санъатнинг пасту баландларини ва машаққатларини босиб ўтган одам ҳеч қачон юлдузлик касаллигига чалинмайди. Баъзи бир санъаткорлар ҳеч қандай қийинчиликларсиз кўзга тез ташланиб, машҳур бўлгандан сўнг бу касалга чалиниши мумкин. Шунда ҳам ҳамма эмас.

— «Адолат» социал-демократик партияси ҳақида фикрингиз?

— Биласизми, бугунги кунда юртимизда партияларга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мен партияларимиз фаолиятини кузатиб бораман. «Адолат» социал-демократик партияси ўз дастуридан келиб чиқиб бугунги кунда кўплаб диққатга сазовор ишларни амалга ошириб келмоқда, халқ ишончига сазовор бўлмоқда. Мени энг хурсанд қиладиган жихати шундаки, «Адолат»да

аёлларга бўлган эътибор бошқа партияларга нисбатан кучлироқ. Юртимизда ҳам ҳар доим аёлларимиз қадрланиб келинган. Уларга яратиб берилмаётган шарт-шароитларни кўриб ҳавасим келди, бу билан ғурурланса бўлади, албатта. «Адолат» номидан ҳам кўриниб турибдики, ҳар доим ҳар бир нарсани адолатли ҳал қилади. Менимча, бу партия халқни ўз орқасидан эргаштира оладиган ҳаққоний, ҳолис фикр юритадиган партия.

— Инсонни улуғловчи хислат нимада деб ўйлайсиз?

— Инсонни улуғловчи хислат бу — Ватанга ва ота-онага бўлган муҳаббат, самимийлик, камтарлик, меҳрибонлик, адолатчилик, виждончилик. Виждонли одам, албатта, имонли бўлади. Бундай инсонларни жуда ҳам қадрлайман ва улардан ўрнак олишга ҳаракат қиламан.

— Бугунги кунда баъзи санъаткорлар турли хил мукофотларни кўлга киритиш учун тинмай меҳнат қилишади. Аммо шу мукофотларга эришгандан кейин, жим бўлиб кетишади. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Биласизми, халқимизда шундай нақл бор: гуруч курмасиз бўлмайди. Лекин мен

шундай санъаткорларни биласанки, мукофотларга эришгандан кейин масъулияти янада ошади ва тинмай ижодни давом эттиришади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ.

— Агар санъаткор бўлмаганингизда, ўзингизни қайси касбда тасаввур қилган бўлардингиз?

— Билмадим, санъатсиз ўзимни тасаввур қилолмайман. Агарда шунга мажбур бўлганимда, юристлик касбини танлаган бўлардим. Чунки акаларим шу соҳада хизмат қилиб келмоқда.

— Ҳозирда қандай қўшиқлар устида ишлайсиз? Келажакдаги режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Ҳозирда Чўлпоннинг «Ой-дан-да гўзал, кундан-да гўзал» шеърига кўй басталаёлман, деярли тайёр бўлиб қолди. 2013 йил баҳор ойларига концерт дастуриимизни ўтказиш ниятидамиз ва шунга тайёр-гарликларни бошлаб юбордик. Насиб қилса, қўшиқларимни жонли ижрода айтиш ниятим бор. «Обод турмуш йили» барчанинг оилаларига бахт ва омад олиб келсин.

Дилором РАҲМОН қизи
суҳбатлашди

“Микрокредитбанк” — 2012 йилнинг энг яхши банки

Буюк Британияда чоп этиладиган “The Banker” журнали Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банкини 2012 йилнинг энг яхши банки, деб эътироф этди.



Банк тизими ҳар қандай иқтисодиётда ҳал қилувчи ўрин тутди. Нафақат иқтисодиётнинг ривожланиши, балки давлатнинг халқаро майдондаги мавқеи ва фуқароларнинг фаровонлиги ушбу тизимнинг нечоғли мукамаллигига боғлиқ. Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарориди бу борадаги янги ва истиқболли йўналишлар белгилаб берилган.

Жаҳондаги етакчи молия муассасалари давogarлик қиладиган “The Banker” журналининг мукофоти банк фаолиятини баҳоловчи юксак меzon ҳисобланади. Ушбу мукофотга давogar молия муассасалари акциядорларнинг даромад олишини таъминлаш ва стратегик устуниликка эга бўлиш каби қобилияти бўйича баҳоланади. “Йил банки” мукофоти ҳар йили битта банкка топширилади.

Бу йил ушбу нуфузли мукофотга сазовор бўлиш учун жаҳоннинг 630 дан зиёд банки

курашди. Уларнинг фаолияти қатор мезонлар, жумладан, сифат жиҳатидан — активлар сифати, молиявий барқарорлик, мижозларга реал ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринларини яратиш ва сон кўрсаткичлари — йирик капитални жалб қилиш, янги технологиялар, маҳсулотлар ёки бизнес йўналишларини жорий этиш йўналишлари бўйича баҳоланди.

Британиянинг нуфузли “The Banker” журнали вакиллари-нинг маълум қилишича, “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банкини мукофотлаш тўғрисидаги қарор “Bank of the Year Awards 2012” эксперт қўмитаси томонидан маъкур банкнинг жорий йил тўққиз ойи давомидаги фаолияти таҳлили асосида қўра қабул қилинган.

“Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банкининг “2012 йилнинг энг яхши банки” мукофоти билан тақдирланиши унинг молия бозоридаги муваффақиятли ривожланиш стратегияси, активларининг сифати ва таваккалчиликларни самарали бошқаришининг халқаро миқёсдаги эътирофидир.

Банк ахборот хизмати

Спорт

Ҳиндистонда кураш байрами яқунланди

Ҳиндистоннинг Кочи шаҳрида ўзбек кураши бўйича катталар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ўзбекистонлик полвонлар 4 олтин ва 2 кумуш медални қўлга киритди.

Кураш Халқаро ассоциациясининг жорий йилги тақвими-дан ўрин олган ушбу нуфузли мусобақада кўтамазининг энг сара полвонлари 14 вазн тоифасида даврага тушди.

Ҳамюртларимиз Аббор Жабборов ва Турдубой Сейтмуратовлар барча рақибларини мағлубиятга учратиш, шох-

супанинг энг юқори поғонасини жорий йилги тақвими-дан ўрин олган ушбу нуфузли мусобақада кўтамазининг энг сара полвонлари 14 вазн тоифасида даврага тушди.

Хотин-қизлар ўртасидаги кураш баҳсларида ҳамюртларимиздан Гўзал Раҳмонова ва Санейим Эркинбоева олтин медалларни қўлга киритди.

Болтабоевга францияликлар қизиқишмоқда

Тошкентнинг «Пахтакор» футбол клуби ҳимоячиси Жамшид Болтабоев Франциянинг “Монако” клубига ўтиши мумкин.

Клуб матбуот хизматидан маълум қилинишича, Жамшид Болтабоев 9 декабрь кунини Монако шаҳрига учиб кетди.

«Пахтакор»нинг ёш ўйинчиси 16 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида «Монако» клуби скаутлари эътиборига тушгани айтилмоқда.

Болтабоев олти кун давомида «Монако» клуби машгу-

лотларида қатнашади. Агар «Пахтакор» ҳимоячиси машгулотлар давомида ўзини кўрсата олса, ушбу клубдан унга расмий тақлиф тушиши мумкин.

Эслатиб ўтаамиз, Ўзбекистоннинг ўсмирлар терма жамоаси сентябрь-октябрь ойларида Эронда 16 ёшгача бўлганлар ўртасида ўтган Осиё чемпионатида ғалаба қозongan эди.

Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 12-мактаб-гача таълим муассасасида 280 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда.

Мазкур таълим-тарбия мас-канда ташкил этилган турли тўғараклар тарбияланувчиларнинг билим ва тафаккур дои-расини кенгайтириб, ижодий қобилиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, «Моҳир кўлар» тўга-раги жажжи ўғил-қизлар билан доимо гавжум. Бу ерда бо-лажонлар тажрибали тарбия-чи-педагоглар ёрдамида тур-ли эртақ қаҳрамонлари киёфа-сидаги кўғирчоқлар, миллий

хунармандчилик намуналари ясашни катта қизиқиш билан ўрганаётир. Санъат тўғари-да эса улар миллий қўшиқ ва рақсларимизни ижро этиш сир-асрорларини эгалламоқ-да.

Суратда: Бухоро вилояти Ко-гон шаҳридаги 12-мактабгача таълим муассасаси тарбиячи-пе-дагоги Дилноза Раҳматова маш-гулотда.

Т.ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

Сунъий қопламали майдончалар кўпаймоқда

2012 йилнинг тўққиз ойи ичида Ўзбекистон ма-даният ва спорт ишлари вазирлигининг Оммавий спортни ривожлантириш, оммавий спорт тадбирла-рини ўтказишни ташкил этиш бўйича ҳудудий бош-қармалари томонидан вилоят, шаҳар ва туманлар-да жами 4096 та оммавий спорт тадбирлари ўт-казилиб, уларга жами 1 миллион 541 минг 167 на-фардан ортиқ иштирокчилар жалб этилган, шулар-дан 603 минг 894 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бу ҳақда вазирликнинг Оммавий спортни ривожлантириш, оммавий спорт тадбирларини ўт-казишни ташкил этиш бошқармаси маълум қилади.

Сунъий қопламали футбол май-дончаларини ташкил қилиш бо-расида олиб борилган ислохот-лар ҳамда мониторинг ишлари-га кўра, ўтган йилларда бундай май-дончалар фақатгина Тошкент ша-ҳрида қурилган бўлса, бугунги кун-да улар республиканинг деярли барча ҳудудларида бор.

2012 йил давомида республи-ка бўйлаб жами, 188 та сунъий қопламали футбол майдонча-лари ташкил этилган. Шу билан бирга, 333 та янги иш ўринлари яратилган. Йил якунига қадар яна-рида қурилган бўлса, бугунги кун-да улар республиканинг деярли барча ҳудудларида бор.



Тошкент Тиббиёт Академияси томонидан 2011 йил 17 октябр-да икки йиллик клиник ординатуранга биттирганлиги тўғрисида Маҳмудова Моҳидил Аҳмадовна номига берилган серия номери АА000845, регистрация номери 1258 бўлган сертификат йўқол-ганлиги сабабли

ҚИДИРИЛМОҚДА



ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Иқбол МИРЗО, Мамажон ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖўРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Рашид ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҮМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳрир хайъати: 100043, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарк тоғи» кўчаси, 23-й.

adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва пинкостлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (142); Қабулхона — 288-42-23, 288-46-64 (факс); Котибият — 288-42-06 (146).

Навбатчи муҳаррир — Қаҳрамон ҚҮДДОШЕВ.
Навбатчи — Илёс САХАТОВ.

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

9772091521007

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма — 1200. Ҳажми — 4 босма табак, Офсет усулида босилган. Қўзғаткичи А-2. Адади — 5845. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 00.00

1 2 3 4 5